O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI BUXORO VILOYATI QORAKO‘L TUMAN HOKIMINING QARORI

Qorako‘l t., Ulug‘bek ko‘chasi 35-uy

2022 - yil 14 - dekabr 521-2-37-Q/22 Qorako'l tuman hokimligi

Қоракўл туманида дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ташкил этишни самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунинг 6 ва 25-моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари”га мувофиқ, туман ҳудудида дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ташкил этиш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қоркўл туман “Қоракўл деҳқон бозори” МЧЖ ҳудудида дам олиш кунлари савдо ярмаркалари ўтказилсин.

2. Туман давлат солиқ инспекцияси (З.Тўраев), туман ички ишлар бўлими (Ж.Расулов), туман санитария-эпидемиология назорати маркази (АҲамдамов) ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда:

-Қоракўл туман “Қоракўл деҳқон бозори” МЧЖ ҳудудида дам олиш кунлари савдо ярмаркаларини тайёрлаш, ўтказиш ва ёпиш бўйича зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқилишини;

-дам олиш кунлари ярмаркалари ҳудудида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва уларни қайта ишлашдан олинган товарларни, шунингдек илгари фойдаларнишда бўлган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини сотишга рухсат берилишини;

-дам олиш куни ярмаркалар ҳудудида савдо ўринларининг бепул берилишини таъминласин.

3. Қуйидагилар:

-товарга оид ҳужжатлар;

-сотувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда дам олиш куни ярмаркаларида иштирок этиш ва маҳсулотларини сотишга рухсат берилиши белгилаб қўйилсин.

4. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

5. Мазкур қарор ижросининг назорати туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари – туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи С.Ҳусенов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Х.Я.Тоҳиров**